

VII. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Юк ташиш. Автомобиль транспортида 11,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2017 йилнинг январь-июнга нисбатан 7,5 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 211,8 млн. тн-км.ни ташкил қилди ва 16,8 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-июнга нисбатан 101,1 фоизга кўпайди ва 69,1 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 32,6 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-июнда 37,7 фоиз).

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг юк ташиш бўйича улуши 94,4 фоизни ташкил этган.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича ифодаланиши

	2018 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-------------------------	---

Ташилган юк, млн. тн	11,9	107,5
----------------------	------	-------

шу жумладан:

Автомобил транспортида	11,9	107,5
------------------------	------	-------

Юк айланмаси, млн. тн-км	211,8	116,8
--------------------------	-------	-------

шу жумладан:

Автомобил транспортида	211,8	116,8
------------------------	-------	-------

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-июнда барча транспорт турлари томонидан 217,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 100,7 фоизга кўпайиб, 4171,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнеснинг йўловчи ташиш бўйича улуши 97,7 фоизни ташкил этган.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси (2017 йил январь-июнга нисбатан) 101,9 фоизга кўпайди ва 3917,8 млн. йўловчи-км.ни

ташкил қилди. Йүловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йүловчи ташувчиларнинг улуши 93,9 фоизни ташкил этди (2017 йил январь-июнда 92,8 фоиз).

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь-июнь	2017 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	217,0	101,5
ишу жумладан: автомобил транспортида	217,0	101,5
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	4171,7	100,7
ишу жумладан: автомобил транспортида	4171,7	100,7